

ТИЛШУНОСЛИКДА ТЕРМИН: ТАҲЛИЛ ВА ТАДҚИҚ

Пўлатова Уғилхон Собиржон қизи

Андижон давлат тиббиёт институти

Хорижий тиллар кафедраси

Аннотация. Ушбу мақолада терминга берилган кўплаб таърифлар, терминни ўрганишга, унинг ўзига хос хусусиятлари, қўлланиш соҳаларига, терминологик лугатларни яратишга оид назарияларнинг хилма-хиллиги ёритилиб берилган. Терминларни ўзига хос жиҳатлари, уларни кенг ва тор қамровдаги лексико-семантический, грамматический, стилистический маъноларини ажратиш, тил меъёрларини сақлаган ҳолда тўғри қўллаш ва тўғри таржима қилишни таъминлашга аҳамият қаратилган.

Калит сўзлар: термин, лексика, қарашлар, ёндошувлар

Аннотация. В данной статье освещается множество определений термина, разнообразие теорий, связанных с изучением термина, его специфических особенностей, областей применения, созданием терминологических словарей. Акцент делается на различении специфики терминов, их широкого и узкого лексико-семантического, грамматического, стилистического значения, правильном применении и правильном переводе при соблюдении языковых норм.

Ключевые слова: термин, лексика, взгляды, подходы.

Abstract. This article highlights many definitions of the term, a variety of theories related to the study of the term, its specific features, areas of application, the creation of terminological dictionaries. The emphasis is on distinguishing the specifics of terms, their broad and narrow lexico-semantic, grammatical, stylistic meanings, correct application and correct translation, while observing language norms.

Key words: term, lexicon, views, approaches

Инсоният тараққиёти динамик жараён ҳисобланиб, мунтазам харакатдан иборатдир. Илм-фан ва техника, ишлаб чиқариш ривожланишининг тез суръатлар билан юқорилаб бориши тараққиёт жараёнишининг бир қисмидир.

Маълумки, ривожланишнинг ҳар қандай кўриниши муайян тартиб, интизом ва кичик стратегик мезонлар билан амалга оширилади. Шу қатори, сўнги йиллар давомида тилшунослик соҳасининг ривожланиб бориши мутахассислар томонидан бир қанча омиллар ёрдамида ўз ифодасини топиб келмоқда. Соҳаларнинг тараққий этиши ва ишлаб чиқариш ривожланишининг жадаллашуви, жаҳон мамлакатларида рўй берадиган тараққиётнинг глобаллашув ва интеграллашув жараёнлари курраи заминимиздаги мавжуд тилларнинг ўзаро интенсив таъсирида эканлиги тиллар сатҳини кенгайтиради ва унинг луғат бойлигини муттасил ўсишига асосий омил бўлади.

Ҳозирда тилшунос мутахассислар томонидан турли тизимли тилларда муайян терминологик системаларнинг шаклланиши, ривожи ва тараққий этиши ҳамда ўзига хос хусусиятларини ўрганиш мақсадида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин терминологиядаги мунозарали муаммолар ҳанузгача ўз ечимини кутмоқда. Шу маънода термин тушунчаси атрофида содир бўлаётган турли хил янгиликлар, ишлаб чиқилган илмий-назарий мезонлар ҳамда уларнинг ижобий ва салбий натижалари нафақат тилшуносларни, балки бошқа: иқтисод, медитцина, спорт, журналистика каби соҳаларни ҳам бирдек ўзига жалб қилмоқда ва долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шундай экан ушбу параграфда термин ҳақидаги қарашлар, ёндашувлар ва олиб борилган тадқиқотлар устида сўз юритамиз.

Термин тушунчаси илк истеъмолда *чегаралар илоҳийлиги*, вақт ўтиши билан *чегара тоши*, сўнгги ёки *тугалланган жой, манзил* каби бир қанча маъноларда кўлланилган. Ўрта асрларга келиб эса *terminus* сўзи (бирор бир нарсани) *аниқлаш* ва *белгилаш* маъносида кўлланилган¹. Шу каби манбалар асосида термин сўзининг турли тизимли тилларда пайдо бўлиши тарихини тахминий тарзда аниқлаштирасак-да, ўрта асрларда пайдо бўлган лотинча *terminus* сўзи ва қадимги юонча *logos* (“тушунча”, “таълимот” маъносини билдирган) сўзларининг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлган терминология

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-5- жиллар. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006-2008.

сўзининг пайдо бўлишини *термин* сўзига нисбатан энг муқобили дея қайд этишимиз мумкин². “Терминус” - ўрта асрлардаги лотин тилида “аниқлаш, белгилаш”, - деган маънони англатганлиги боис Катта Оксфорд луғати муаллифларининг фикрига кўра, айнан ушбу маъно таъсири остида инглиз тилида “term” – “термин” сўзи шаклланган³.

Инглиз тилида яратилган рақамли электрон *etymonline.com* луғатига асосланиб шуни қайд этиш лозимки, 1200 йилда Қадимги Француз тилида ушбу атама “terme” – *белгиланган вақт ёки вақт чегараси* маъносида қўлланилган. Кейинчалик 1300 йилда инглиз тилида *termen* – *давр* маъносида қўлланган⁴. Мазкур тушунча тилшунослик соҳасида немис тилшунос олим Шултц томонидан илк бор 1786 йилда қўлланилган⁵. Океан ортида эса ўтган асрнинг 70-йилларида юзага келган “The World Encyclopedia Dictionary” луғатида эса терминга қуйидагича таъриф берилган: “Terminology - the special words or terms used in science, art, business and economy”⁶. Тржимаси: *терминология* – *фанда, санъатда, бизнес ва иқтисодда ишилтиладиган маҳсус сўзлардир*. Шундай қилиб, “термин” тушунчasi муайян бир маънога, ўзининг аниқ дефиницияси (таърифи)га эга бўлган сўзга айланди. Европада эса илк бор шотланд лексикограф ва этнограф олим Ж.Мюррей бошлигига (олим вафотидан сўнг 1919 йилда) нашр этилган инглиз тили Оксфод Луғатида, *термин* сўзига илк бор “word or phrase used in a limited or precise sense” – *тарж*. “чегараланган ёки аниқ маънода ишилтиладиган сўз ёки ибора”, - дея ёзма таъриф берилган⁷.

Дунё тилшунослари учун, ўтган асрнинг учинчи декадасидан бошлаб, терминлар лингвистика соҳаси таркибида алоҳида ўрганиш объектига

² Tim T. Sports, history and culture. Sport and politics: From Thatcher to Cameron. Who will be next? - 2015.- Р. 4-5.

³ Ткачева Л.Б. Основные закономерности английской терминологии. Томск, Омск, Изд-во гос. ун-та 1987. – 198 с.

⁴ Etymonline.Com

⁵ Саримсоков Х.А. Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг чоғиштирма тадқиқи: Филол. фан. д-ри (PhD) дисс. – Тошкент, 2020. – 12 б.

⁶ The World Book Encyclopedia Dictionary. Volume k-z, Chicago: Copywrite, 1964.-Р. 2018.

⁷ www.oxfordlearnersdictionaries.com

айланди. Терминологиянинг назарий муаммоларининг муваффақиятли ривожланиши, терминнинг яратилиши омиллари ва амалиётда ишлаш қонуниятларини шакллантиришга қаратилган янги илмий “терминшунослик” фанининг пайдо бўлишига сабаб бўлди⁸. Натижада катта кичик тилшунос олимлар терминлар ҳақида ўзининг қимматли фикрларини билдира бошлади.

В.Н. Шевчук ўз тадқиқотида терминга қуйидагича таъриф беради: “Термин” - бу сўз бўлиб, ўрта асрларда “аниқлаш”, “ифодалаш” деган маъноларни ифодалаган. Қадимги француз тилида мавжуд бўлган “terme” лексемаси “сўз” деган маънони англатади⁹.

А.А. Реформатский эса ўз илмий ишида бироз бошқачароқ, батафсилроқ таърифлайди: “Термин – бу сўз бўлиб, ўзининг алоҳида ва маҳсус белгилари билан чегараланади, фан, техника, иқтисодиёт, сиёsat ва дипломатия соҳаларида бир маъноли, аниқ сўздир. У экспрессивликдан ҳоли, муайян предмет ёхуд тушунчани ифода этувчи, ўзининг қатъий ва аниқ мазмуний чегарасига ҳамда изоҳига эга бўлади”.¹⁰

Ф.П. Сороколетовнинг, “лексиканинг ҳар бир аниқ қатлами айrim жиҳатларининг ривожланишини синчиклаб ўрганмасдан жиддий умумлаштиришлар қилиш мумкин эмас, акс ҳолда, бундай умумлаштиришлар реал воқелик билан биринчи тўқнашувдаёқ инқирозга учраши табиий”¹¹, дея қайд этган фикрига асосланиб, биз ўз ишимизда термин ва терминология таърифи учун берилган фикрларни икки гурӯхга бўлиб таснифлашни лозим деб билдик.

Жумладан:

- 1) Шаклий қарашлар;
- 2) Фалсафий қарашлар.

⁸Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. – М.: Высшая школа, 1972. – 370 с.

⁹Шевчук В.Н.Производные военные термины в английском языке. - М.: 1983.-198 с.

¹⁰ Реформатский А.А. Что такое термин и терминология ?. В сб: "Вопросы терминологии".-М.:1961.-248 с.

¹¹ Ткачева Л.Б. Основные закономерности английской терминологии. Томск, Омск, Изд-во гос. ун-та 1987. – 198 с.

Шаклий қарашлар. Мазкур ёндашувлар жараёнида изланувчилар, тадқиқотчилар, олимлар томонидан терминология соҳасига ва термин юзасидан баён этилган фикрлар уларнинг структураси, шакли - шамойили, ташқи хусусияти, кўлланилишига асосида берилган. Масалан, Н.В.Крумевский ўзининг илмий тадқиқотида терминларни табиатшунослик фани билан ўзаро боғлаган ўрганган. Олим тилнинг табиатшунослик соҳасига доир терминологияси асосида, аста-секин, ўзгарувчи ҳайвонлар ва ўсимликлар номини қайд этади ва шу билан бирга “табиий терминология” асло “сунъий терминология”га ўз ўрнини бермаслигини таъкидлайди¹².

Ҳозирги замонавий тараққиёт ампуласидан (нуқтасидан) унинг қайдларига назар солсак, олим билдирган фикр жуда оддий ва примитив ҳисобланади. Бизнингча, замонавий терминшунослар томонидан фан ва техника тараққиётининг ҳозирги даражасида бу каби фикрлар қабул қилинмайди. Боиси фан ва технология асидан баъзан суъний терминларнинг вужудга келиши, жумладан, ифодалар, ишоралар ҳам замонавий тилшуносликда темин сифатида ўз тасдигини топмоқда. Жумладан, И.А.Бодуэн де Куртене “онгли алмашувлар туфайли кўплаб янги ифодалар, ишоралар, илмий ва бошқа технологик терминлар фақат сунъий йўл билан пайдо бўлади”, – дея қайд этган¹³.

Терминлар нисбатига шаклий қарашлардан бири, инглиз олимлари, Гринаф Ж.Б. (Greenough J.B.) ва Китриж Л.Дж. (Kittredge L.G.) тегишли бўлиб, улар терминларни математик формулалар билан таққослаб: “Терминлар одамлар маълум бир мақсадда мулоқот қилаётганларида ишлатилади”¹⁴. Унинг фикрлари ўз даврида оммалашган бўлиши мумкин, бироқ ҳозирда нутқий мулоқотнинг кўлами жуда кенг ва турли соҳаларни қамраб олади. Натижада терминлар кундалик умумистеъмолидаги сўзлар билан уйғунлашиб

¹² Мирзоев З. Спортивные термины в таджикском и английском языках: Дис. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2005. 28 бет.

¹³Боуден де Куртуне В.А., Избранные труды по общему языкознанию. Слово и " слово", Том 1. ЛГК. 2015. 205 ст.

¹⁴Greenough J.B., Kittredge L.G., English Words Their Meaning in English speech. – London, 1923. – P.21-39.

кетади ва ўзининг субстансионал хусусиятини йўқотади. Баъзи манбаларда берилишича, терминлар адабий тил сўз бойлиги таркибидан ажратилади, “алоҳида турувчи” обьект тарзида баҳоланади ва нутқнинг турлари (шева, жаргон, жонли сўзлашув)га тенглаштирилади.

Ларс Гурмунднинг терминлар таърифига нисбатан баён этган ёндашуви оригиналлиги билан ажралиб туради. Олимнинг терминни айнан бир фан доирасида фойдаланиладиган “қурол”га қиёслайди. Қўшимча равишда, ҳар бир фан терминологик системасининг тузилиши ушбу фаннинг ички тузилишига муайян даражада мувофиқ бўлишини қайд этади¹⁵.

Ўз илмий ишларини терминларни ўрганишга бағишлиаган швейцариялик тилшунос олим, Ш. Балли тилшуносликнинг мазкур бўлимига қуидагича таъриф беради: “Умумий тилга кирмайдиган, нарса-буюмларни мутлақо аниқлик билан, маълум обьектив ва мантиқий томонларини ифодаловчи сўзлар тўплами”. Тахлилларимизга кўра, олим илмий терминлар маҳсус сўзлигини, бошқа сўзларга нисбатан нейтраллигини, уларда ранг-баранглик, эмотивлик, тасвирийлик каби стилистик характерлар, қолаверса, лингвистик хусусиятлар ва меъёрлар мавжуд эмаслигини яъни улар субстансионал хусусиятга эга эканлигини таъкидлайди¹⁶.

Хулоса. Жаҳон тилшунослиги ва мамлакатимиз тилшунослигига терминология ва терминлар тўғрисидаги фикрларнинг шаклланиши бугунги кунгача бўлган даврда терминология фан сифатида каттагина тарихий эволюцион йўлни босиб ўтганини кўрсатади. Тадқиқотлар асосида терминларга нисбатан ёндашув икки гурухга ажратиш лозимги, жумладан, шаклий қарашлар ва илмий қарашлар назарий ассланади. Терминга берилган кўплаб таърифлар, терминни ўрганишга, унинг ўзига хос хусусиятлари, қўлланиш соҳаларига, терминологик луғатларни яратишга оид назарияларнинг хилма-хиллиги фикримизнинг тасдифидир. Ғарб ва шарқ тилшунослигига кўплаб фикрлар, мунозаралар мавжуд: термин маҳсус

¹⁵ Lieber R., Pavol S. The Oxford Handbook of Compounding – Oxford University Press, 2009. – Р. 141.

¹⁶ Балли Ш. Французская стилистика. – М.: Наука, 1998. – 215c.

маънога эга бўлган лексик бирлик ва терминология лексикологиянинг бўлими сифатида қаралади.

Терминни ўрганишда турлича ёндашувлар мавжуд. Терминларни таърифлашнинг турли аспектларини ҳисобга олган ҳолда, уларга таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий муҳит, термин ҳосил қилишнинг ўзига хосликлари, терминларни соҳалараро интеграциясидаги иштирокини инобатга олган ҳолда тизимлаштириш ва ягона илмий таснифини ишлаб чиқилишига олиб келди. Терминологик бирликларининг ўзига хос жиҳатлари, уларни кенг ва тор қамровдаги лексик-семантик, грамматик, стилистик маъноларини ажратиш, тил меъёрларини сақлаган ҳолда тўғри қўллаш ва тўғри таржима қилишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-5- жиллар. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006-2008.
2. Tim T. Sports, history and culture. Sport and politics: From Thatcher to Cameron. Who will be next?- 2015.- P. 4-5.
- 3.Ткачева Л.Б. Основные закономерности английской терминологии. Томск, Омск, Изд-во гос. ун-та 1987. – 198 с.
- 4.Etymonline.Com
5. Саримсоков Х.А. Инглиз ва ўзбек тилларида спорт терминларининг чоғиши тадқиқи: Филол. фан. д-ри (PhD) дисс. – Тошкент, 2020. – 12 б.
- 6.The World Book Encyclopedia Dictionary. Volume k-z, Chicago: Copywrite, 1964.-P. 2018.
- 7.www.oxfordlearnersdictionaries.com
- 8.Крысенко С.М. Новейший Англо-русский, Русско-английский словарь. – Киев, 2007. – 426 с.
9. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. – М.: Высшая школа, 1972. – 370 с.
- 10.Шевчук В.Н.Производные военные термины в английском языке. - М.: 1983.-198 с.

11. Реформатский А.А. Что такое термин и терминология ?. В сб: "Вопросы терминологии".- М.:1961.-248 с.
12. Ткачева Л.Б. Основные закономерности английской терминологии. Томск, Омск, Изд-во гос. ун-та 1987. – 198 с.
- 13.Мирзоев З. Спортивные термины в таджикском и английском языках: Дис. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2005. 28 бет.
14. Боуден де Куртуне В.А., Избранные труды по общему языкознанию. Слово и " слово", Том 1. ЛГК. 2015. 205 ст.
- 15.Greenough J.B., Kittredge L.G., English Words Their Meaning in English speech. – London, 1923. – P.21-39.
- 16.Lieber R., Pavol S. The Oxford Handbook of Compounding – Oxford University Press, 2009. – P. 141.
17. Балли Ш. Французская стилистика. – М.: Наука, 1998. – 215с.